O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

TOSHKENT

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 30 (9.068) * 1998 йил 16 март, душанба * Сотувда эркин нархда

# ПОЙТАХТ НАВРЎЗ АРАФАСИДА

## ҲАШАР — ШАҲРИМИЗГА ЯРАШАР

***14 март — шанба куни Наврўз айёми шарафига ўтказилган умумшаҳар ҳашари пойтахтимизнинг янада гўзаллашиб, мафтункор тус олишига кенг замин яратди. Биз шу куни туманларга бориб қилинаётган ишларнинг бевосита гувоҳи бўлдик.***



ЯККАСАРОЙ. Эрта тонгданоқ ҳокимлик кучи билан ташкил этилган 20 та ўзиағдаргич машина Тўқимачилар маданият саройи атрофига йиғилиб шу ердан тумандаги барча 17 та маҳалла ва уй-жойлардан фойдаланиш идоралари томон йўл олди. «6-махсустранс» корхонаси томонидан ажратилган 32 та чиқинди ташувчи машиналар, «Беларус» тракторлари ҳам тинмай ишлади. Махсус буюртирилган кранлар эса кўча, йўл чекkaларини бетон, темир-терсак парчаларидан тозалашда асқотди.

Айниқса Қушбеги ва Бобур маҳаллаларида иш қизигандан қизиди. Ушбу маҳаллалар аҳолиси Салор каналини тозалашди. Бунинг учун маҳаллалар ҳисобидан махсус тайёрланган узун дастали кетмон ва хаскашлардан фойдаланилди. Тошкент давлат педагогика университетидан чиққан 2000 га яқин, тўқимачилик ва енгил саноат институтининг 800 та талабалари ҳашарда жонкуярлик билан меҳнат қилдилар. «Тоштўқимачимаш», «Тоштўқимачи» ҳиссадорлик жамиятлари, «Полимер» корхонаси, «Паризод» ҳиссадорлик жамияти, 1-пойабзал корхонаси ишчи-хизматчилари эса ҳам корхоналар ичи, ҳам кўчаларда орасталик ишлари билан машғул бўлдилар. Оммавий тартибда барча дарахтлар оқланди. Якшанба куни эса ҳашарни якунига етказиш мақсадида тўпланган барча чиқиндилар ташиб кетилди.

* * *

ЧИЛОНЗОР туманида эса умумшаҳар ҳашарига тайёргарлик туман ҳокимлигида барча маҳаллалар оқсоқоллари, корхона-ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишдан бошланди. Унда ҳамма вазифалар тақсимланди. Шанба куни тумандаги барча корхона, ташкилот, муассаса, таълим-тарбия масканлари, аҳоли якдиллик билан ҳашарга чиқди. Туман 6 та ўрамга бўлиниб, кучлар режали асосда уларга жалб этилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси атрофи, Ўзбекистон Миллий боғи, Мирзо Улуғбек маданият ва истироҳат боғларида кенг кўламда ободонлаштириш — тозалаш ишлари қилинди. «Отчопар» бозори ҳудудини тартибга келтириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Муқимий, Чўпонота каби шоҳкўчалар чиннидек тозаланиб, дарахтлар оқланди. Тумандаги автотранспорт корхоналари эса изчиллик билан керакли автоуловлар билан таъминлаб туришди. 3-Чарх-Камолон, 2-Қизил Шарқ, 1-Катта Чилонзор, 2-Катта Чилонзор маҳаллаларида покизалик ва ободончилик ишлари олдинроқ бошланганлиги сабабли шу куни гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофи чиройли тартибга келтирилди. Бунда туман ҳокимлигининг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан «Совпластитал» қўшма корхонаси томонидан тайёрланиб аҳолига тарқатилган бир марта фойдаланиладиган пластик қопчалар жуда асқотди. Хуллас, шу куни 100 мингга яқин чилонзорлик умумшаҳар ҳашарига ўз ҳиссасини қўшди.

***Шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам ана шундай ҳамжиҳатлик билан ҳашарлар ўтказилди. Демак, Наврўзга хуш кайфият, покизалик, алоҳида жозиба билан пешвоз чиқамиз.***

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Тошкентда ўтказилган умумшаҳар ҳашари пайтида.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*



*«Ташаббус—97»*

## ЭНГ ЯХШИЛАР АНИҚЛАНДИ



Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида 14 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус—97» — «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Юртимизда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар кўрик танловда яна бир бор яққол намоён бўлди. Тадбиркор, фермер ва ҳунарманднинг неча йиллар давомида қилаётган саъй-ҳаракатлари кўргазмада намойиш этилди.

Танловда иштирок этган 41 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманднинг иш юритиш фаолияти, билим даражаси ва ўз соҳасидаги маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Гулнора» хусусий фирмаси соҳибаси Гулчеҳра Ҳайдарова «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Бу фирма озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланади. У Президент соврини — «Нексия» автомобили билан тақдирланди.

«Энг яхши фермер» номини Фарғона вилояти Фарғона туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Шукурмирзо Аҳмедов қўлга киритди. У Президент соврини — «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

«Энг яхши ҳунарманд» номи Бухоро шаҳридаги «Совға» зардўзлик маркази раҳбари Бахшилло Жумаевга насиб этди. У ҳам Президент соврини — «Тико» автомобили билан тақдирланди.

Пойтахт кўрик-танловининг ғолиби, юнусободлик сандиқчи — ҳунарман Убайдулло Қосимов республика кўрик-танловида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Юнусободдаги «Халқ табобати академияси» масъулияти чекланган жамияти республика кўрик-танловининг лауреати бўлди.

Кўрик-танловда Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси В. Чжен иштирок этди ва совринларни ғолибларга топширди.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

## ОИЛА ЙИЛИНИНГ «БАХТЛИ ОИЛА»ЛАРИ

ИЛГАРИ хабар берилганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда оила мустаҳкамлиги ва манфаатларини таъминлаш, унинг муқаддаслигини намойиш этиш, ибратли оила аъзоларининг намунали ишларини ўрганиш, кенг омма орасида тарғиб қилиш, уларни эъзозлаш, рағбатлантириш, ёш оилаларни халқимизнинг ноёб урф-одатлари, анъаналари ва миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш мақсадида «Бахтли оила» танлови ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Пойтахт ҳокимлигида ушбу танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлиси бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмитанинг раиси, шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

Шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова тўрт босқичда ўтадиган «Бахтли оила» танловига кўрилаётган тайёргарлик юзасидан ахборот берди. Танлов низомига мувофиқ март ва апрель ойларида маҳаллалар бўйича, сўнг туман ўрамлари ва даҳалари бўйича энг яхши оилалар танланади.

Туман танловларини июль ойида, шаҳар танловини эса ноябрда — Конституция куни арафасида ўтказиш белгиланган.

Танловда камида 40 йил иноқ ва бахтли турмуш кечирган, муносиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ибратли оилалар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ғолиби бўлган шаҳарнинг бахтли оиласига икки хонали квартира калитлари тақдим этилади. Иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган оилаларга музлатгичлар ва рангли телевизорлар, рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлганларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Мажлисда сўзга чиққан туман ҳокимликларининг, шаҳар фуқаролар ҳолатини қайд қилиш бўлими, халқ таълими бошқармаси, жамоат ташкилотларининг вакиллари биринчи бор ўтказилаётган бу танловни намунали ташкил этиш юзасидан қатор таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

## ТАЪСИРЧАН ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

БАНКРОТЛИК ва санация масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг январь ойида иқтисодий зарар кўрган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Афсуски, катта иқтисодий зарар кўраётган корхоналар орасида «Ўзбектўқимачимаш», «Тошқишлоқмаш», «Тошкент трактор заводи», «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамиятлари, бир қанча транспорт, қурилиш, савдо ташкилотлари, ҳатто баъзи банклар ҳам бор.

Зарар кўрган ҳар бир бу корхона ва ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятини соғломлаштириш бўйича комиссия аниқ ва айни пайтда жуда қатъий қарорлар қабул қилди.

Бу қоғозда қолиб кетмаслигидан комиссиянинг ўтган мажлисида қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан қилинган ишлар яққол далолат бериб турибди. Хусусан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Керамзит» жамоа корхонасини банкрот деб эълон қилиш тўғрисидаги даъво аризалари Тошкент шаҳар хўжалик судига берилди. «Бажарувчи» ҳиссадорлик жамиятининг банкрот деб эълон қилиниши бўйича иш эса шаҳар прокуратурасига берилди. Ушбу корхонада ҳозирги пайтда муддати ўтказиб юборилган кредитор қарзлар қопланди. Ҳиссадорлик жамияти 1998 йил учун буюртмалар билан таъминланди.

Банк ассоциацияси зарарга йўл қўйган «Банкимформрейтинг» ҳамда «Банк Пластик-карт» раҳбарларини ишдан бўшатди.

Тегишли вазирлик ва идораларга «Тошкент отчопари» ҳамда «Хўжалик ҳисобидаги темир йўл бўлими»нинг молиявий-хўжалик аҳволини соғломлаштириш юзасидан тақдимномалар берилди. «Пойабзалчи» ҳиссадорлик жамияти бўйича материаллар Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмитага берилди. Ушбу қўмита тақдимномаси билан «Қизил Шарқ» ҳиссадорлик жамияти ва «Ниҳол» қўшма корхонасига бюджет олдидаги қарзлар бўйича пеня тўлаш муддатини узайтириш шаклида ёрдам кўрсатилди.

*Маҳалла*

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шаҳар маҳалла оқсоқоллари Маслаҳат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов олиб борди.

Мажлисда Оила йилида шаҳримизда оила манфаатларини таъминлаш бўйича ҳокимлик томонидан ишлаб чиқилган махсус дастур ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўз байрамини нишонлаш юзасидан Маслаҳат кенгаши қилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Сўнгра кун тартибидаги навбатдаги масала муҳокамасида жойлардаги масжид имомлари билан маҳалла оқсоқоллари ўзаро келишган ҳолда ишлашларини таъминлаш мақсадида шаҳар мувофиқлаштириш кенгашини тузишга келишиб олинди. Бундан ташқари мажлисда кўп қаватли уйлардан иборат маҳаллаларда санитария қоидаларига риоя этишдаги муаммолар муҳокама қилинди.

*Мурод РАҲИМОВ.*

*Бокс*

## АРТУР ГРИГОРЯН: ОЛТИ КАРРА ЧЕМПИОН

14 март куни Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал бокс бўйича жаҳон биринчилиги учун беллашувда рингга ҳамюртимиз, беш маротаба курраи замин ғолиби Артур Григорян ва немис чарм қўлқоп устаси Рудольф Марко чиқдилар.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, бундан етти йил муқаддам Австралия пойтахти Сиднейда бўлиб ўтган жангда Артур Григорян Рудольф Маркога ютқазиб қўйган эди.

Гамбург рингида ўзбекистонлик енгилмас чемпион бу мағлубият аламини тўла-тўкис олди. Жаҳон биринчилиги мусобақаси низомига кўра 12 раунддан иборат бу беллашувнинг олтинчи раундидаёқ Рудольф жангни давом эттира олмаслигини билдириб, оқ сочиқни рингга ташлади.

Шундай қилиб Артур Григорян профессионал бокс бўйича олти карра жаҳон чемпиони бўлди.

Янги ғалаба билан, Артур!.



## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Исмоил Жўрабеков жойларда экиш мавсумига, жумладан плёнка остида чигит экишга тайёргарликнинг аҳволига бағишлаб сим орқали кенгаш ўтказди.

◆ Марказий банкда бўлиб ўтган пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлисида йилнинг икки ойида касса режаси бажарилиши ҳамда молия соҳасини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

◆ Меъморлар уюшмаси йиғилишида ушбу уюшма низомига киритилган ўзгаришлар тасдиқланди. Шунга кўра энди ушбу ташкилот Ўзбекистон Меъморлар ижодий уюшмаси, деб аталадиган бўлди. Бадиий академия академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор Азамат Тўхтаев Меъморлар ижодий уюшмасининг раиси этиб сайланди.

◆ «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг йиғилишида ушбу ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги бўлимлари фаолияти муҳокама этилди.

### ЖАҲОНДА

◆ Россия Президенти Борис Ельцин шамоллаб қолиб, Москва яқинидаги «Бавариха» санаторийсида даволаниш учун ётқизилганлиги сабабли 18 мартга белгиланган Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон божхона иттифоқининг ҳамда 19 мартда ўтказилиши режаланган Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви гумон остида қолди. Бундан ташқари Озарбайжон ва Грузия президентларининг Ҳамдўстлик давлатларининг Москвадаги олий даражадаги учрашувда иштирок этишлари ҳам гумон остида турибди.

◆ Сербиянинг Косово ўлкасидаги вазият мураккаблигича қолмоқда. Сербия маъмурларининг бу ердаги аҳолининг 90 фоизини ташкил этадиган албанлар сиёсий партиялари раҳбарларига музокаралар ўтказиш ҳақида учинчи бор ёзма мурожаат қилишларига қарамасдан улар Сербия раҳбарлари билан учрашишдан бош тортмоқдалар. Ўзини Косово президенти, деб эълон қилган албанлар етакчиси Иброҳим Ругова эса Косовони мустақил давлат, деб эълон қилинишини талаб этмоқда.

◆ Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашувида Сербия маъмурларидан Косово албанлари етакчилари билан тинч музокаралар ўтказиш талаб қилинди. Акс ҳолда Сербияга иқтисодий жазо чоралари кўрилиши маълум қилинди. Айни пайтда Европа Иттифоқи Сербия давлати ҳудудий яхлитлигини эътироф этди. Косовога қўшни Албания ва Македония ҳам Сербия давлати яхлитлигини тан олди. Косовонинг мустақил давлат, деб эълон қилиниши, улар фикрича, Болқонда янги фуқаролар урушига йўл очиб беради.

◆ Лондонда бўлиб ўтган Европа Иттифоқига аъзо 15 давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида яқин истиқболда Шарқий Европанинг 10 та мамлакати, шунингдек Кипрни Европа Иттифоқига қабул қилишга келишиб олинди. Биринчи навбатда бу қитъа ҳамжамиятига аъзоликка Польша, Венгрия, Чехия, Словения, Эстония ва Кипр номзод ҳисобланмоқда. Кейин эса навбат Болгария, Румыния, Словакия, Литва ва Латвияга келади.

◆ Бугун Арманистонда президент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Давлат раҳбари учун 12 номзод кураш олиб бормоқда. Кузатувчилар фикрича, биринчи турда бирор номзоднинг ғалаба қозониши қийин. Иккинчи турга ҳозир президент вазифасини бажариб турган Роберт Кочарян ҳамда собиқ Арманистон компартияси раҳбари Карен Демирчян чиқиши тахмин этилмоқда.

◆ Сўнгги кунларда Белоруссия миллий валютаси кескин қадрсизлана бошлади. Шу муносабат билан Белоруссия молия идораларининг раҳбарлари Москвага нажот излаб келди. Аммо Россия Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Чубайснинг фикрича, Белоруссияга фақат Россия бюджетидан Ҳамдўстлик давлатларига молиявий ёрдам кўрсатиш моддаси бўйича кредит берилиши мумкин. Бироқ А. Чубайс Россия бундан буён бошқа давлатларга қайтарилиши гумон бўлган кредитлар бермайди, деб ҳам огоҳлантириб қўйди.

◆ Кеча Абхазияда маҳаллий ҳокимият идораларига сайловлар бўлиб ўтди. Грузия бу сайлов якунларини тан олмаслигини билдирди. Бунга Абхазия аҳолисининг катта қисми ҳозир қочоқ ҳолда бошқа ҳудудларда яшаётган бир пайтда маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказилган сайловни адолатли деб тан олиб бўлмаслиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

◆ Япония Бош вазири Рютаро Хасимото расмий ташриф билан Индонезияда бўлиб, Президент Сухарто билан бу мамлакатни ҳозирги иқтисодий тангликдан олиб чиқиш имкониятларини муҳокама этди.

◆ Шанбадан якшанбага ўтар кечаси Эроннинг жанубий ҳудудларида тахминан 7 балл куч билан зилзила бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра, табиий офат оқибатида 5 киши ҳалок бўлган, 20 киши оғир жароҳат олган. Зилзила тоғли ҳудудларда рўй берганлиги сабабли қурбонлар тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

◆ Мана икки ойдан буён Бразилия шимолидаги ўрмонларда мислсиз ёнғин давом этмоқда. «Тилсиз ёв» ҳозирнинг ўзида мамлакат ўрмонларининг салкам чорагини кулга айлантиришга улгурди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.X



**«Тошойна» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар шаҳримизда фаолият кўрсатаётган ойна ишлаб чиқариш кичик корхоналариникидан 30 фоизга арзонлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Жамият бошқарувчи раиси Ҳабибулло Тожиев биз билан суҳбатни шундай бошлади:**



Саноат

# АРЗОН ВА СИФАТЛИ

— Замон талаби даражасида иш юритилмаса, ишлаб чиқарилган маҳсулот омборда ётаверади. Бизнинг фабрикада тайёрланган маҳсулотдан бутун Ўзбекистондаги мебель корхоналари фойдаланади. Шунинг учун ҳам улар билан янги йилнинг биринчи кунидаёқ шартнома тузиб олиб, сўнг иш бошлаганмиз. Мабодо шартнома бажарилмаса маҳсулот бериш тўхтатиб қўйилади. Ўтган йили 86 миллион сўмлик ойна ва тошойна ишлаб чиқардик. Режамиз бу йил 100 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш. Бу рақам яна кўтарилиши ҳам мумкин. Сабаби куни кеча Италиядаги «Бавеллони» франк-заводидан жавоб мактуби олдик. Улар бизга 4 хилдаги ойна тайёрлаш дастгоҳларини юборишадиган бўлишди. Бу дастгоҳлар юқори сифатли, жаҳон андозалари даражасида маҳсулот ишлаб чиқаради. Шу йилнинг тўртинчи чорагида янги турдаги ойна маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланади. Дастгоҳларда ишлаш компьютер асосида бўлиб, италиялик мутахассислар келиб бизнинг ишчиларимизга иш ўргатишади. Бунда ўз-ўзидан маълумки, юқори сифатли ойнадан фойдаланган мебель корхоналарининг маҳсулоти сифати ҳам яхшиланади.

Айни вақтда хориждан келтирилган дастгоҳлар учун ҳамда Россия Федерациясидан олинадиган 200 минг квадрат метр ойна хом ашёсини олишга ҳужжат тайёрланмоқда.

**— Ҳиссадорларга тўланадиган дивидендлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Жамиятимизда 100 нафар ҳиссадор меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирида имкониятига яраша акцияси бор. Чиқарилган акциянинг 83.8 фоизини фабрика ҳисобида қолдирганмиз. 17.2 фоизи давлат ихтиёрида. Ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган фойда ҳисобига ҳар чоракда қисман дивиденд тўлаб борилди. Якуний қилиб ўтган йилги олинган даромаддан 4 миллион 680 минг сўм пул ҳиссадорларга тарқатилди. Қўшимча 741 минг сўм 13-маош қилиб берилди.

Жамият бошқаруви раиси билан суҳбатни якунлагач фабрика ҳудудини айландик. Бу ерда янги дастгоҳларни ўрнатиш учун янги бино ҳам қуриб битказилибди. Ишчиларнинг ҳар бири ўз ишига сидқидилдан ёндошиб меҳнат қилишаётир. Бу ерда асосан фабрика ён-атрофидаги оилалар ҳамда Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси меҳнат қилади. Яна шуниси қувончлики бир оиладан 2-3 киши ишлайди. Масалан Шуҳрат Бурхонов, Икром Шерматов, Танзила Эшонхонова, Муқаддас Икромова оилаларини келтириш мумкин.

Биз бўёқ цехи бригадири Мавжуда Холматовани суҳбатга тортдик.

— Ишчиларимизнинг кўп қисмини аёллар ташкил этади. Ойна ишлаб чиқариш ташқаридан қараган одамга осон туюлиши мумкин. Бироқ ҳар соҳанинг ўз сир-асрори бор. Барча ишга меҳр билан ёндошса ҳар қандай муаммо ўз вақтида ҳал бўлади. Бригадирлар ҳеч қачон қўл қовуштириб ўтиришмайди. Ўз ишимиз билан ҳамиша бошқаларга ўрнак бўляпмиз. Масалан, электр-механика цехи бригадири Николай Курачкин, текислаш цехи бригадири Ҳури Алимова, вакуумда ишлаш цехи бригадири Насиба Мамараҳимоваларни ана шундайлар жумласига қўшиш мумкин.

*Суҳбатни Гулзода МАМБЕТОВА ёзиб олди.*





*СУРАТЛАРДА: ойнани ювиш ва унга қайта ишлов бериш бўлими оператори Озода Болтабоева; ойна кесувчилар Собир Турсунов ва Аҳрор Қодировлар иш устида; метализация цехида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

---

**Битта енгил машинанинг бирон ерини қолдирмай ювиш учун қанча вақт кетади? Агар икки киши қўл билан ювса ярим соат балки етарлидир. Бордию бу иш автоматик тарзда бажарилса, 10—15 дақиқа сарф бўлиши мумкин. Агар бирор одам енгил машинани бир дақиқадан ҳам камроқ вақт ичида ювиш мумкин, деса ишонишимиз қийин. Лекин бу гап муболаға эмас.**

Тадбиркорлик

# «ВИЗУМАТ» ФИРМАСИ ҚУРИЛМАСИ

## МАШИНАНГИЗНИ ҚИРҚ СОНИЯДА ЮВАДИ

Бугунги кунда ушбу юмушни сифатли, оз вақт ичида бажарадиган ўта замонавий автоматик линиялар мавжуд. Улар аста-секин республикамизга кириб келмоқда. Хусусан Акмал Икромов туманидаги «Мимоза» хусусий фирмаси директори Мимоза Зияева ана шундай ишга қўл урган тадбиркор аёллардан.

— Бу ишнинг бошланиши ғалати бўлган эди, — дейди Мимоза Зияева. — Бундан уч-тўрт йил муқаддам Тошкент аэропортидаги кутиш залида ўйчан ҳолда ўтирган бир кишини кўриб қолдим. Негадир унинг дардини олгим келди ва яқинига бориб ҳол-аҳвол сўрадим. Айтишича, у германиялик бўлиб, ватанига жўнаш олдидан барча ҳужжатларини йўқотиб қўйибди ва ёрдам сўраб қаерга мурожаат қилишни билмай ўтирган экан. Шу билан унга кўмак беришга аҳд қилдим. Тегишли идоралар ёрдамида ҳалиги мусофир ватанига жўнаб кетди. Кетиш олдидан у менга чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Орадан бир йилча вақт ўтди. Бир куни Германиядан мактуб олдим. Хатда менга миннатдорчилик сўзлари изҳор этилган, ўзаро ҳамкорлик қилиш таклифи ҳам билдирилган бўлиб, матн тагига «Феликс Видмайер» деган имзо битилганди.

Феликс Видмайер Германиянинг Кюр шаҳрида истиқомат қилар, шу ердаги «Импорт-экспорт» фирмасининг директори экан. Таклифига розилик билдирдим. Аввалига у фирмам номига сотиш учун маҳсулотлар юбора бошлади. Кейин мени Германияга таклиф этди.

Германияда Феликс Видмайер «Шарай» фирмасининг директори Рольф Шауб билан таништирди. Рольф Шауб Тошкентда қандай иш билан шуғулланмоқчи эканимни сўраганида супермаркет очишни мўлжаллаётганимни айтдим. Шунда у янада самаралироқ ишни таклиф қилиб, бу борада ёрдам беражагини билдирди. Германиядаги «Визумат» фирмаси енгил машиналарга сервис хизматини кўрсатувчи, жумладан машинани ювувчи автоматик қурилмаларни буюртма бўйича ишлаб чиқариш билан шуғулланар экан. «Шарай» фирмаси эса ўша автоматик қурилмаларни ўрнатар ва ишга тушираркан. Рольф Шауб билан шундай қурилмани Тошкентда ўрнатиш бўйича ўзаро шартнома туздик. Шартномага кўра ушбу ажойиб техника учун «Визумат» фирмасига тўланадиган ҳақ у шаҳримизда ишга тушгач келадиган фойдадан 10 йил давомида узилиши керак. Аммо менинг мўлжалим бўйича бу қарздан ярим йил ичида қутуламан...

«Визумат» фирмаси ишлаб чиқарадиган қурилмага келсак, у жуда мўъжаз бўлиб, бор-йўғи 18 квадрат метр майдонни эгаллар экан. Мимоза Зияеванинг айтишича иш жараёнида уни атиги битта одам бошқаради. Энг қизиғи, унинг самарадорлигидир: ушбу автоматик қурилма бир соатда 91 та енгил машинани ювиб ғилдиракларини созлаб беради. Бу дегани — бундай хизмат учун битта машинага бир дақиқадан ҳам камроқ вақт, тўғрироғи, 40 сония кетади. Иш конвейер усулида бажарилади, яъни енгил машина қурилманинг бир томонидан кириб, иккинчи томонидан тоза ҳолда чиқиб кетаверади.

Бугунги кунда Европанинг кўпгина шаҳарларида «Визумат» фирмасининг қурилмалари ишлаб турибди. Германиядаги ҳар бир шаҳарнинг ўзида бундай хизмат тури уч-тўрт жойда фаолият кўрсатаётганини Мимоза Зияева ўз кўзи билан кўриб қайтди. Бундай қурилма ҳозирда Ҳамдўстлик давлатларининг биронтасида, ҳатто Туркияда ҳам йўқ.

Айни пайтда «Визумат» фирмасининг қурилмасини Тошкентга келтириш ва ўрнатиш юзасидан ишлар бошлаб юборилган. Унинг шаҳримиз учун нақадар зарурлигини енгил машина эгаси бўлган ҳар бир киши яхши билади. Зеро, ўз машинасини озода сақлашга, бунинг учун уни мунтазам ювиб туришга қийналадиганлар орамизда йўқ эмас. Буни катта кўчалардан оқиб ўтадиган ариқлар яқинида ўз машинасини юваётган ёки ювдираётганлар борлигидан ҳам билса бўлади.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*

---

*Ҳаракатланиш хавфсизлиги ва ободонлаштириш ойлиги*

# ФАОЛЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Чилонзор туманидаги 3-Чарх-Камолон маҳалласининг клубида тумандаги 20 дан зиёд маҳалла оқсоқоллари иштирокидаги йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан айни кунларда қизғин ўтказилаётган ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлигида фуқароларнинг бажарадиган юмушлари ҳақида атрофлича сўз борди.**

Йиғилишда қатнашган Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси Давлат автомобиль назорати бошқармаси вакиллари, Чилонзор тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, маҳалла оқсоқоллари Тошкент шаҳрида кун сайин транспорт ҳаракати кучайиб бораётганлигини, бу нарса автомобиль ҳайдовчиларидан ҳам, пиёдалардан ҳам йўл интизомига қаттиқ риоя қилишларини тақозо этаётганлигини таъкидладилар. Бунда яна бир нарсага ҳам эътибор қаратилди: яъни балоғатга етмаган ёшларга ота-оналарнинг машиналарни бошқаришни ишониб топшираётганлиги боисидан кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда. Шу йилнинг ўзида юз берган қатор нохуш ҳолатларда балоғатга етмаган ёшлар сабабчидир. Ана шунинг учун ҳам ота-оналар, Давлат автомобиль назорати ходимлари бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда фаоллик кўрсатишлари кераклиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда сўзга чиққан 3-Чарх-Камолон маҳалласи оқсоқоли Сайфиддин Рихсиев, 2-Чарх-Камолон маҳалласи оқсоқоли Турғун Абдуллаев ва бошқалар яқинлашиб келаётган Наврўз айёми муносабати билан шаҳримизда ўтказилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида фаол қатнашиш ҳар бир тошкентликнинг, шу жумладан маҳаллаларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидладилар. Бинобарин, ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ҳам, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳам пойтахтимизни намунали ва озода шаҳарга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлардандир.

*Турсун ПЎЛАТ, 3-Чарх-Камолон маҳалласи фуқароси, уруш фахрийси.*

# ТЎСИҚ ОРТИДАГИ БЕКАТ

«Юнусобод» — «Чорсу» оралиғида қатновчи 91-автобусга деярли ҳар куни ўтираман. «Чорсу» меҳмонхонасининг рўпарасида, Эски Жўва бозорига кирадиган енгил автомобиллар учун махсус йўлка ажратилган бўлиб, йўлка ёнида бекат бор. Қизиғи шундаки, бекат, биринчидан, автобус, троллейбуслар тўхташи мумкин бўлмаган жойга қурилган. Бу ерда бекат белгиси ҳам йўқ. Бозорга кирувчи машиналар билан асосий ҳаракат қатнов қисми оралиғига эса ярим метрдан баландроқ қилиб чамаси 100 метр узунликда темир-бетон қуйилган.

Балки бу тўсиқ бозорга кирувчи машиналар хавфсизлигини таъминлар. Лекин аҳоли, хусусан йўловчилар учун жуда ноқулай ерда жойлашган. Тўсиқни айланиб ўтишингиз учун анча вақтингиз кетади. Транспорт эса айнан шу бетоннинг ўртасида тўхтайди. Транспортдан тушган йўловчилар манзилларига тезроқ етиб олиш мақсадида тўсиқдан сакраб ўтмоқдалар, айримлар эса йўлкалар орасидаги ёриқдан ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Бунга бир-икки кун бўлгани йўқ, икки ойдан ошди. Гоҳида қариялар бекатда ўтириб автобус ё троллейбус кутишади. Транспорт келгач, ноқулай бир аҳволга тушиб қолишади. Масофа унча узоқ эмас, лекин ҳаракатланаётган енгил машиналар, қолаверса, бетон тўсиқ транспортга яқинлашишга имкон бермайди. Ҳаллослаб айланиб келгунингизча, автобус ҳам кетиб қолган бўлади. Ўйлаймизки, ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги ўтаётган ҳозирги кунларда ушбу муаммога ниҳоят эътибор берилади.

*Муқаддас ЮСУПОВА.*

---

**Шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига қарашли шаҳар қўшимча таълим мажмуида халқ амалий санъати ва адабиёти йўналиши бўйича VII шаҳар иқтидорли болалар слёти ўтказилди.**

Анжуманлар

# ИҚТИДОРЛАР САРАЛАНДИ

«Дост сардор» ҳиссадорлик компанияси, ўзбек-турк «Оз-Силм» лицейи, «Скопле» қўшма корхонаси, «Алмаз-Макарон» ҳамда «Полёт» қўшма корхоналари ҳомийлигида ўтказилган ушбу слётда туманларда ғолиб деб топилган 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган иқтидорли ўқувчилар иштирок этишди. Унда ўқувчилар ижодидан кўргазмалар ташкил этилди. Слёт иштирокчилари рассомчилик, ёғоч ўймакорлиги, миллий наққошчилик ҳамда ҳайкалтарошлик йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб келди. Ҳакамлар ҳайъатининг саъй-ҳаракатлари натижасида ғолиблар аниқланди. Адабиётшунослик йўналишида Навоий номли лицейнинг 15 ёшли ўқувчиси Шуҳрат Тўқаев, миллий каштачилик йўналишида Шайхонтоҳур туманидаги 316-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Муҳамедова, наққошликда Собир Раҳимов туманидаги қўшимча таълим мажмуасидан ўн етти ёшли Абдулла Рустамов, ҳайкалтарошлик йўналишида Миробод тумани 147-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Зулфиқор Юсупов, рассомчиликда Севил Алиева, Юнусобод туманидан 316-мактаб ўқувчиси Жавоҳир Алиевлар ёғоч ўймакорлиги йўналишида биринчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари топширилди. Шаҳар слёти ғолиблари энди Республика иқтидорли болалар слётида иштирок этадилар.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

---

Муносабат

# САВДО БОЗОРИДАН НИМАЛАРНИ ЎРГАНДИНГИЗ?

Савдогар аёлларнинг суҳбати шундай бошланди:

— Ҳай, ҳай, бу бозор деганлари... Юрсанг йўлинг адашади, кўрсанг кўзинг қамашади. Бир ёнда молини уйиб, харидор чақираётганлар, бир ёнда ерга ўтирволиб, тиззасида пул санаётганлар. Бирам ҳавасим келдией. Қадимгилар «Отанг бозор, онанг бозор» деб бекорга айтмаганда. Эртасига «бисот»имдан у бу олиб мен ҳам бозорга чиқдим. Буюм сотаётганлар ёнига борсам, биттаси «Опахон, бу жой банд» деди. «Тавба, бозордаям банд жой бўладими? Ахир бу ресторан бўлмаса, меҳмонхона бўлмаса?!» дедим. «Жойларни кечанинг ўзидаёқ банд қилиб кетишган» деди патта тарқатаётган оқ халатли йигит. «Бўлмаса менгаям жой топиб беринглар» дедим. Сўнгра сумкамга ишора қилдим: «Мана буларни сотиб кетай...» «Сиз бугунча метронинг чиқиш жойида сотинг, кечқурун бирорта жойни белгили қилиб кетасизда» деди яна ҳалиги йигит.

Тарвузим қўлтиғимдан тушди. Мен ўйлабманки, бозор кенг жой, сотувчи хоҳлаган молини истаган жойида туриб сотаверади деб. Йўқ, ундай эмас экан. Бозорнинг ўз тартиби, қоидаси бор экан, ўргулай.

— Бўлмаса-чи! Четдан қараган кишига бозор гавжум, ғала-ғовур, бесаришта жой бўлиб кўринади. Аралашсангиз бундай эмаслигини дарров биласиз. Мен шу бозорга келган кунимоқ шу нарсага ақлим етмай роса панд еганман. Ўша куни чиқсам, кўчамизнинг бошида яшайдиган Қумри опоқининг катта ўғли бир дунё шампунни ёнига уйиб, мақтаб ётибди. Икки-учта қиз келиб, «Шампунларингизнинг яхшиси борми?» деб сўради. «Бўлганда қандоқ, зўрларидан бор» деди у қизларга. Сўнг битта шампунни олиб кўрсатди: «Мана шуни олинглар. Бунда бош ювсанглар, сочларинг... соғлом нур сочади!» Қизлар нархини сўрашди. «Эрталабдан бери уч юз элликдан сотаётувдим, сизларга уч юздан бераман» деди. «Вой, олчоғей, — дедим ичимда. — Ахир бозорга кираверишда худди шунақа шампунларни икки юз элликдан сотишяптику, ҳали мен ҳам қизимга шунчага олувдим!» Қизларга шуни айтдиму-балога қолдим. Харидоридан айрилган қўшним ёшимни ҳам ҳурмат қилмасдан, қувиб солди. «Ҳап, санними» деб сал наридаги сомсапазлар ёнига бориб турдим. Қарасам, бир йигит «Кеп қолинг, сомсанинг хўрози бизда!» деб қичқираётир. «Ие, сомсанинг ҳам хўрози бўларканми, оғзига қараб гапирса-чи? Ҳар нарсанинг ўз номи бор, ахир!» дедим ичимда. Бордиму, ҳалиги сомсапазга яхшилаб танбеҳ бердим. «Э, холапошша, нега менинг ишимга бурнингизни тиқасиз?» деб бақириб берса бўладими! Хуллас, ўша куни бозорга сиғмадим, айланай. Кейин билсам, кемага тушганнинг жони бир деганларидек, у ерда бир-бирини қўллаб-қувватлаб туриш керак экан...

— Ҳой, менга қаранг, боя сиз айтгандай, қонун-қоидасини билмаган одам бозор билан тил топишолмаскан. Бир дам олиш кунида томорқадан ортган ошкўкларни бозорга олиб чиқдим. Бир амаллаб жойлашиб бўлиб, қарасам меники ҳамманикидан дуркун-дуркун. Шундаям ҳеч бир харидор ёнимга келмади. Тураверib зерикиб кетдим. Энди кетмоқчи бўлаётсам, бир йигит келди. «Холажон, ошкўкларингизни менга бериб кетақолинг, барибир сотолмайсиз» деди. «Нега сотолмасканман?» дедим, ҳайрон бўлиб. «Бугун бозор ошкўкка тўлиб кетган кўрмайсизми?» деди у. «Ҳая, қайтариб кетсам увол бўлади, олақолинг» дедим. Олди, берган пулига ҳовучим тўлмади. Бу ошкўклардан унчалигам фойда йўқ экан-ку, эссиз вақтим» дея нон растасига ўтдим. Уйга нон, мева-чева, қатиғу-қаймоқ олиб ортимга қайтдим. Мундоқ қарасам, бозорнинг чиқиш дарвозасида ҳалиги йигит мендан олган ошкўкларини мақтаб-мақтаб сотаяпти. «Даланинг ошкўкларига кеп қолинг, бозор ичида бунақасини тополмайсиз» дейди. Олди-орқаси тўла харидор. Тавба, ўзимам мақтаб сотишни билардиму, дедим. Ўзимни койидим. Бозорда ҳушёр, сўзамол бўлмасангиз, ютқазарқансиз.

— Қаранг, шунақа лўттибозлар ҳам бўлади-да. Қўяверинг, кўр ҳассасини бир маротаба йўқотади. Мана мен, тижоратчи бўлиб туриб ҳам кўп алданганман. Шундай кишилар борки, бир ўқ билан ўнта қуённиям отади. Кейин... Биз аёллар ўта ишонувчан бўламиз-да. Бир нарсани айтиб қўйяй, бозорда олди-соттидан кўра муросаю-мадоранинг таъсири катта, ўргулайлар. Хушчақчақ, ширинзабон бўлдингизми бас, ютасиз! Қолаверса, бозор маданияти деган гап ҳам бор. Бугуннинг харидори нозиктаъб, илтифотни ёқтиради. Олди-соттию муомалада чегарадан чиқсангиз улар олдида обрўйингиз кетади. Харидор сиздан юз ўгиради. Бозор тартибини, савдо-сотиқ маданиятини эгалласангиз, сиз бозорники, бозор сизники-да айланай!

— Сўзларингиз қулоғимга мойдай ёқаётир. Кўнгилдагини топиб гапираркансиз. Аслику, одам умри охирига довур ўрганиб яшайди. Ўрганиб, бир-бирига ўргатиб яшашда гап кўпда. Мана сиз, бозор кўрган аёлсиз, бизнинг фойдамизни кўзлаб гапираётирсиз. Лекин, ҳаммаям сиздай эмас-да. Мана, бир қўшним бориди, эски маҳалламизда. Тузуккина касбини ташлаб, бозорга чиқди. Болаларниям бозорга солди. Шунақа бойиб кетишдики... Уйлари гиламга тўлди, қўша-қўша видео олди, биз қўшниларини менсимай қўйди. Тўй-маъракаларга айтсак, «Тирикчилик қурсин, бозорга чиқмасам бўлмайди, менсиз бораверинглар» дерди. Шу қўшним денг, қизу-келинлариниям ишларидан айнитиб, бозорга тортди. «Қачонгача маошга яшаб юрасизлар, бу аҳволда бирларинг икки бўлмайди» деб уларни йўлдан урди. Ахир бозорни ҳаммаям эплайвермайди-да. Келини бояқиш молини ўтказолмай қайтган куни қайнонадан дакки, эрдан сўкиш эшитади. Ишга қайтай деса, ўрнига аллақачон бошқа киши олишибди. Ора йўлда сарсон-да бечора. Кўрсам, ичим ачишади шу келинчакка...

— Ҳа, бозор деб ўзини йўқотиб, тўрт-беш танга топгач атрофидагиларни писанд қилмаётганлар қанча. Бу борада ота-боболаримиз ўта донишманд бўлишганда. Пули сал кўпайса, мачит қуришган, камбағал-ночорларни қўллаб-қувватлашган. Ҳа майли, бу дунёда яхши одам мукофотсиз, ёмон жазосиз қолмайди. Гапимиз ҳам андек чўзилди, ўргулай. Эртага бозорга чиқадиган эдим, бориб шунга тараддуд кўрай. Менсиз давом эттираверинглар суҳбатни, (Йўғе, биз ҳам шошиб турибмиз, деди бошқа биров. «Эртага ҳам гап қолсин-да», деди яна бири).

Аёллар тарқалишди. Суҳбат узилиб қолди. Йўқ, аксинча. Йўл-йўлакай, кўча-кўйда, метрода, автобусда, бекатда, хуллас, қайсики давра бор, ҳаммасида давом этаётир бундай суҳбатлар. Сиз нима дейсиз азиз газетхон? Бозордан сиз нималар ўргандингиз?

Келинг, суҳбатни келган жойидан давом эттирайлик.

*Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.*

